

Шартнома № 03/01/22У
(Даврий босма нашрларга 2022 йилда обуна уюштириш тўғрисида)

Тошкент шаҳар

6 январь 2022 йил

Тошкент шаҳар “NEW LAW EXPRESS” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади), Устав асосида иш юритувчи директор Ш. Баҳранов шахсида, бир тарафдан Ч. А. Юсуф кейинги ўринларда “Обуначи” деб юритилади), У.С.Б. асосида иш юритувчи Шероғхон Қўриқов шахсида иккинчи тарафдан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 “Жамият” жадвалда кўрсатилган нашрларга обуна уюштириш ва етказиб бериш, Обуначи эса, етказиб берилган нашрларни қабул қилиш, уларнинг ҳаққини тўлаш мажбуриятини олади.

Т/Р	Нашр номи	Сони	Нархи	Жами	Обуна муддати
1	Янги Ўзбекистон	61	1 300 000	79 300 000	2022 йил
	ЖАМИ:			79 300 000	

1.2. Шартноманинг умумий баҳоси сўз билан (етмиш тўққиз миллион уч юз минг) сўм нархлар **ҚҚС** сиз ҳисобланади
ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2. “Обуначи” нинг ҳуқуқлари:

- 2.1. Шартномада кўрсатилган нашрни ўз вақтида етказиб берилишини талаб қилиш;
- 2.2. Етказилиши лозим бўлган нашрлар шартномада кўрсатилган миқдордан кам ёки яроқсиз ҳолда етказилганда Жамият томонидан 3 иш куни ичида тўлиқ ва яроқли ҳолда етказилишини талаб қилиш;
- 2.3. Нашрлар шартномада кўрсатилган манзилга етказиб берилишини талаб қилиш;
- 2.4. Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар (Форс-мажор ҳолатлари бундан мустасно) қопланишини жамиятдан талаб қилиш;
- 2.5. “Обуначи” Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3. “Обуначи” нинг мажбуриятлари:

- 3.1. Жамият хизмати учун ушбу шартномада назарда тутилган шартлар ва тартибларга кўра тўловни амалга ошириш;
- 3.2. “Обуначи” мазкур шартнома имзоланган кундан, шартнома суммасининг 100% ини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сон қарорига асосан олдиндан тўлаб беради. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик бўлимида рўйхатга олинганда, шартнома тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш кунидан кечиктирмасдан Жамиятнинг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказилади.
- 3.3. 2022 йил обунаси учун тузилган шартноманинг иккинчи нусхасини манзил ва реквизитлар тўлиқ кўрсатилган ҳолда Жамиятга қайтариш;
- 3.4. “Обуначи” Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. “Жамият” нинг ҳуқуқлари:

- 4.1. “Обуначи” нинг эҳтиёжига кўра юқорида номлари келтирилган нашрларни етказилиши учун олдиндан ҳақ тўланишини талаб қилиш;
- 4.2. Мазкур шартнома шартлари бажарилишини таъминлаш юзасидан бошқа турдош хизмат кўрсатувчи корхоналар, босмахона ва таҳририятлар шунингдек, туристик хизмати кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- 4.3. “Обуначи” томонидан шартноманинг 3.1 ва 3.3 бандлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ёки шартномага кўра тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳолларда мазкур шартномада кўрсатилган нашрларни етказиб беришни тўхтатиш ҳамда ушбу муддат ичида нашрлар нархига ўзгартириш киритилган тақдирда қўшимча келишув тузиш;
- 4.6. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. “Жамият” нинг мажбуриятлари:

- 5.1. Нашрларни ўз вақтида, сифатли чоп этилишини ва “Обуначи”нинг эҳтиёжига кўра мазкур даврий нашрлар нашр этилганидан сўнг 48 соат мобайнида шартномада кўрсатилган манзилга етказиб беришни таъминлаш жамиятга боғлиқ бўлмаган ҳоллардаги кечикишлар бундан мустасно;
- 5.2. Нашрга оид ҳар қандай ўзгаришлар ва нашр ишларининг 3 ойдан ортиқ вақтда вақтинчалик тўхтатилиши ҳолатлари вужудга келганда “Обуначи”ни ёзма равишда огоҳлантириш;
- 5.3. Жамият нашрларни “Обуначи” нинг ёзма мурожаатига кўра, шартномада кўрсатилган манзилдан мурожаатда кўрсатилган манзилга етказиб бериш;
- 5.4. “Обуначи” томонидан шартноманинг 3.1 банди бажарилмаган ҳолларда, жамият томонидан нашрларни етказиб бериш тўхтатиб қўйилишини хабар бериш.

6. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 6.1. Ушбу шартнома учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сон қарорига асосан “Обуначи” томонидан 100% олдиндан амалга оширилади ва 2022 йил давомида “Жамият” томонидан чораклик ҳисоб фактура тақдим этилади.
- 6.2. “Обуначи” ҳар бир шартномада кўрсатилган даврий нашрларнинг 2022 йил обунаси учун жамиятга нақд пул, банк пластик карточкалари ҳамда пул кўчириш йўли билан тўловларни амалга ошириши мумкин.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Мазкур шартнома бўйича тарафлар зиммаларига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

7.2. Шартнома бўйича юзага келган барча келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади, тарафлар келишмага ҳолда низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қонуний тартибда ҳал этилади.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

8.1. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг тарафларга боғлиқ бўлмаган ҳолда келиб чиқадиган, шунингдек, тарафлар олдиндан кўра билиши ёки олдини олиши мумкин бўлмаган фавқулодда ҳолатлар (сув тошқини, зилзила, табиий офатлар тарафларнинг фаолиятига доир Хукуматнинг таъкидловчи қонун, қарор ёки фармойишлари қабул қилиниши, мазкур расмий нашр "Жамиятга" боғлиқ бўлмаган ҳолларда кечикишлар билан нашр этилиши шунингдек, шартнома тарафларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган тарзда мажбуриятларини бажара олмасликлари) форс-мажор ҳолатлари саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиқиши узрли деб ҳисобланади.

8.2. Форс-мажор ҳолатида бўлган тараф бошқа тарафни бу ҳақда 24 соат ичида хабардор қилиши шарт.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда тарафлардан бирининг талаби бўйича бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартнома 2 нусxada тузилди ва тарафларга бир нусхадан берилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.3. Мазкур шартнома тарафларнинг ваколатли шахслари имзолаган кундан кучга киради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

9.4. Шартномага киритиладиган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда қайд этилган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.5. Шартномани бекор қилиш ниятида бўлган тараф бу ҳақда бир ой олдин ёзма равишда иккинчи тарафни огоҳлантириши лозим.

9.6. Шартнома 2022 йил 31 декабр ёки нашрларнинг сўнгги сонлари етказиб берилгунга қадар амал қилади.

ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ :

Жамият: "NEW LAW EXPRESS" МЧЖ
Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман Лабзак
кўчаси 86 уй
Тел./факс: 90 815 15 99, 71 241 15 84
Х/Р. № 2020 8000 9051 4758 0001

БАНК: ДАВР-БАНК ХАТБ Юнусобод ф-л
МФО: 01122 МАН: 306 903 041

ОКЭД: 46490

Директор

Ш. Бахранов

Обуначи:

Манзил:

Тел./факс:

Х/Р. №

БАНК:

МФО:

ОКЭД:

(Директор)

и.р.с.к.о.н.у.л.о.ч.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
KOMMUNIKATSIYALAR UNIVERSITETI

Manzil: Toshkent sh., Yunusobod tumani, Markaz-5, 88-uy

h/r: 2340 2000 3001 0000 1010 MFO: 00014

Markaziy bank XKKM Toshkent shahar STIR: 201 122 919

sh.h/r: 40091016026266708410 0029005

STIR: 305 585 344 IFUT: 85420

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган. Шартномада кўрсатилган муддатлар, тарафларнинг жавобгарлиги, жарима миқдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади. Шартнома тарафлар имзолаши учун тайёр.